

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 87 (1686), 2026 йил 2 май, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news



ТИББИЁТ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, тиббий хизматлар сифатини ошириш ва хусусий сектор иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда аҳолига малакали ва замонавий тиббий хизмат кўрсатиш, соҳада бошқарув самардорлигини ошириш, хусусий сектор имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш ҳамда ҳудудларда тиббиёт инфратузилмасини янги босқичга олиб чиқиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Тақдимотда, аввало, хусусий секторнинг соҳа ривожига ўрни ва бу борадаги мавжуд имкониятлари кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, 2016 йилда юртимизда 3,2 мингта хусусий клиника фаолият юритган бўлса, 2026 йилда уларнинг сони 8,7 мингтага етиши кутилмоқда. Хусусий тиббиёт йўналишлари 39 тадан 116 тага, ушбу сектордаги койка ўринлари эса 16 мингдан 57 мингтагача кўпайди. Хусусий секторнинг умумий койка фондига улуши 12 фоиздан 31 фоизгача ошиши прогноз қилинмоқда.

Шу билан бирга, тизимдаги айрим муаммолар ҳам кўрсатиб ўтилди. Жумладан, тиббий хизматлар сифати устидан амалдаги назорат механизмлари етарли даражада самара бермаётгани, лицензиялаш шартлари замон талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, хусусий клиникалар фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг янада электрон тизимда шаклланиши, шунингдек, инвестиция лойиҳалари билан манзилли ишлаш тизими етарли эмаслиги қайд этилди.

Шу билан, хусусий сектор иштирокини кенгайтириш ва унинг масъулиятини оширишга қаратилган янги ёндашувлар тақдим қилинди.

Хусусан, тиббий фаолиятни лицензиялаш билан боғлиқ барча вазибалар Тиббиёт ташкилотларини лицензиялаш ва аккредитациялаш марказига ўтказилиб, 2026 йил 1 июлдан лицензиялаш тартибларини кучайтириш, бемор хавфсизлиги ва тиббий ёрдам сифатини таъминлашга доир 48 турдаги лицензия

талабларининг 14 тасини қайта кўриб чиқиш тақлиф қилинди. Мазкур жараёнда кўп тармоқли клиникалар фаолиятини тўлиқ тўхтатиш амалиётидан воз кечиш, фақат аниқ қондабурзлик аниқланган йўналиш бўйича чеклов қўллаш тартиби назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, тиббиёт ташкилотларининг лицензия талаб ва шартларига риоя қилиниши бўйича сифат назорати кучайтирилиб, электрон ахборот тизимда масофавий баҳолаб бориш орқали назорат қилиш йўлга қўйилди.

Қолаверса, нодавлат тиббиёт ташкилотларига лицензия доирасидаги барча йўналишларда бюджет маблағлари ҳисобидан тиббий хизмат кўрсатишга рухсат бериш, аккредитациядан ўтган хусусий муассасаларга трансплантация фаолияти билан шуғулланиш имконини тақдим этиш, 2028 йилдан бошлаб аккредитациядан ўтмаган нодавлат ва республика даражасидаги давлат тиббиёт муассасалари билан Суғурта жамғармаси тўғрисида тиббий хизматларнинг харидини амалга оширмаслик тақлиф этилди.

2030 йил якунига қадар барча давлат тиббиёт муассасалари босқичма-босқич, хусусан, 2027 йил 1 апрелгача 55 та республика, 2028 йил якунига қадар 413 та ҳудудий ҳамда 2030 йил якунигача 3 мингдан ортиқ туман (шаҳар) давлат тиббиёт ташкилотлари фаолияти мажбурий лицензияланади.

Хусусий тиббиётни рағбатлантириш учун иқтисодий қўллаб-қувватлаш чоралари ҳам муҳокама қилинди.

Жумладан, олис ҳудудларда янги клиникалар очилу учун 200 миллион АҚШ долларлик имтиёзли кредит ресурси ажратилиши, ҳар бир лойиҳа учун 10 йилгача муддатга 10 миллион АҚШ долларидан кредит бериш, асосий ставканинг 50 фоиз қисми учун компенсация механизмни қўллаш назарда

тутилмоқда. Шу билан бирга, хорижий мутахассисларга ижтимоий солиқни 1 фоиз этиб белгилаш, тиббий ускуна ва бутловчи қисмлар бўйича божхона имтиёзлари бериш каби энгилликлар тақлиф этилди.

Тақдимотда соҳага инвестицияларни жалб қилишнинг янги тизими ҳам кўриб чиқилди.

Бунинг учун Тиббиёт ва фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигини ташкил этиш, инвесторларга консалтинг ва амалий хизматларни “ягона дарча” тамойили асосида кўрсатиш, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини профессионал асосда шакллантириш ва илгари суриш механизминини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Хусусан, агентликка соҳага тўғридан тўғри инвестицияларни жалб этиш, инвестиция ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларига кўмаклашиш, давлат тиббиёт ташкилотларини бошқарувга бериш ваколати берилади ҳамда агентлик таъсисчилигида инвестиция лойиҳаларини шакллантириш, келишиш ва амалга оширишда кўмаклашувчи акциядорлик жамияти шаклидаги “Health Invest” компанияси ташкил этилади.

Хорижий экспертлар билан биргаликда давлат тиббиёт муассасаларини корпоратив бошқарув тамойиллари асосида трансформация қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш тақлиф этилди. Шунингдек, хорижий консултантларни жалб қилган ҳолда тиббиёт ташкилотларини лойиҳалаштириш, қуриш ва ишга туширишга оид шаҳарсозлик ҳамда санитария қоида ва меъёрлари қайта кўриб чиқилиб, халқаро талабларга мослаштирилиши белгиланди.

Давлатимиз раҳбари тақлифларни маъқуллаб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

ЎЗА

СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев сунъий интеллект ва рақамлаштириш йўналишида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда келгусидаги устувор вазибалар юзасидан тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда рақамлаштириш ва сунъий интеллектни жорий қилиш орқали иқтисодий ўсишни жадаллаштириш ҳамда инсонлар ҳаётини энгиллаштиришга қаратилган тизимли ишлар олиб борилмоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясига мувофиқ, АТ хизматлари ва дастурий маҳсулотлар экспортини 5 миллиард долларга етказиш, соҳада 300 минг нафар ёшларни банд қилиш ҳамда БМТнинг Электрон ҳукумат индексида юртимизни дунёнинг етакчи 30 давлати қаторига киритиш устувор вазибалар сифатида белгиланган.

Сўнгги йилларда рақамлаштириш соҳасининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири сезиларли даражада ошган. Охириги беш йилда соҳадаги ялпи қўшилган қиймат ўртача 24,8 фоизга ўсиб, мазкур кўрсаткич ЯИМ ўсиш суръатларидан 3,5 баробар юқори бўлган. Ахборот ва алоқа тармоғида банд бўлганлар сони 2017 йилдаги 64,3 минг нафардан 108,8 минг нафарга, ўзини ўзи банд қилганлар сони эса 10 мингдан 181 минг

нафарга етган. Ҳозирги кунда соҳада 11 минг 900 дан зиёд корхона фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг қарийб 1,4 мингтаси хорижий капитал иштирокида ташкил этилган.

Шу билан бирга, ҳозирда сунъий интеллект йўналишида 100 га яқин амалий лойиҳа ва 200 дан ортиқ тажриба-синов ташаббуслари бошланган. Жумладан, Олмалиқ конметаллургия комбинатининг 3-мис бойитиш фабрикасида сунъий интеллект ёрдамида ишлаб чиқариш занжирини реал вақт режимида таҳлил қилиш йўлга қўйилгани натижасида энергия сарфи 10 фоизга, таннарх 15 фоизга қисқарган, меҳнат унумдорлиги эса 10 фоизга ошган.

Бундай лойиҳалар самардорлигини таъминлаш учун 24 миллион долларлик GPU-кластерга эга сунъий интеллект инфратузилмаси ишга туширилган. Йил якунигача қўшимча ҳисоблаш қувватларини кенгайтириш учун яна 45 миллион долларлик ускуналарни жалб қилиш режалаштирилган. Таъкидланганидек, энди бу инфратузилмадан

тўғри ва самарали фойдаланиш, уни тармоқлар кесимида аниқ натижа берадиган ечимлар билан боғлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шу мақсадда тиббиёт, энергетика, транспорт, божхона, солиқ, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларга оид 130 дан зиёд маълумотлар базасини тизимлаштириш, улар билан ишлаш муҳитини шакллантириш ҳамда сунъий интеллект моделларини жорий қилиш режалари кўриб чиқилди. Бу орқали давлат хизматларида фойдаланувчиларга тақдим этиладиган сервисларни кенгайтириш, давлат бошқаруви жараёнида таҳлил ва қарор қабул қилиш сифатини ошириш, шунингдек, иқтисодиёт тармоқларида харажатларни камайтириш ва самардорликни юксалтириш кўзда тутилмоқда.

Тақдимотда сунъий интеллект технологияларини қўллашнинг соҳавий йўналишларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Давоми 2-бетда

Лея ГУТИЭРРЕС:

“ЎЗБЕКИСТОН ИНВЕТОРЛАР УЧУН ТОБОРА ЖОЗИБАДОР БЎЛИБ БОРМОҚДА”



Самарқандда бўлиб ўтадиган Осие таракқиёт банкининг 59-йиллик йиғилиши арафасида банкининг Марказий ва Ғарбий Осие департаменти бош директори Лея Гутиэррес “Дунё” АА мухбирига эксклюзив интервью берди.

— Самарқанд ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг 59-йиллик йиғилишига мезбонлик қилмоқда. Нима учун Ўзбекистон банкининг бундай муҳим тадбирига мезбон мамлакат сифатида танланганини тушунтириб бера оласизми?

— Ўзбекистонни танлаш Бошқарувчилар кенгашининг қарори билан боғлиқ эди. Бу Ўзбекистон ҳукуматининг ушбу тадбирни Самарқандда ўтказиш тақлифига жавоб бўлди ва банк билан мустаҳкам ҳамкорликни акс эттирди.

Давоми 2-бетда

Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

ҚОРАҚАЛПОГИСТОН — ЯНГИЛАНИШ, УЛКАН БУНЁДКОРЛИК ВА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ДИЁРИ

Президентимиз ташаббуси билан Оролбўйи ҳудудини барқарор ривожлантириш ва Орол денгизининг қуриган тубида яшил қоплама — ҳимоя ўрмонлари барпо этиш борасида қилинаётган ишлар хусусида



Бугун мамлакатимизда “Инсон қадрини унён бахти учун” деган эзгу ғоя асосида ўтказилаётган кен кўламли ислохотлар туфайли Қорақалпоғистон ҳам ўзининг янги тараққиёт даврига қадам қўймоқда.

Президентимиз Оролбўйи ҳудудини барқарор ривожлантириш, у ерда яшаётган аҳолининг ҳаёт сифати ва турмуш даражасини мутасил ошириб бориш масалаларига доимий эътибор қаратмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, 2017 йилдан ҳозирга қадар Қорақалпоғистонни раванг топтириш, обод ва фаровон ҳудудга айлантиришга қаратилган 80 дан ортиқ фармон ва қарорлар қабул қилинганини таъкид-

Ижтимоий солиқ 1 фоиз этиб белгиланди. Натижада 2023-2025 йилларда 17 мингдан ортиқ тадбиркор ихтиёрида 567 миллиард сўмдан зиёд маблағ қолди.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон учун лойиҳаларни амалга ошириш маркази, Тадбиркорликка кўмаклашиш дирекцияси, Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий тасил ошириб бориш масалаларига доимий эътибор қаратмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, 2 йиллик имтиёзли давр билан кредитлар берилиши йўлга қўйилди. Саноат корхоналари учун электр энергиясидан 15 фоизли имтиёз берилиши натижасида 2500 дан ортиқ

яшовчи тўқсондан ортиқ оила ҳам талабга жавоб берадиган уйлارга кўчирилди. Қўнғирот туманининг Бўстон ва Жаслик аҳоли пунктларида авария ҳолатидаги кўп қаватли турар жойларда яшовчи фуқароларга янги қурилган кўп қаватли уй-жойлар бепул топширилди.

Албатта, Қорақалпоғистоннинг чекка туман ва овулларидаги бундай улкан бунёдкорлик ишлари ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда. Шу ўринда яна бир мисолни келтириб ўтмоқчимиз. Нукус шаҳридан 440 километр, Қўнғирот тумани марказидан 340 километр олисда



лаш лозим. Мазкур ҳужжатлар асосида яратиб берилган кенг имкониятлар туфайли барча соҳада янгилашниш ва жадал ўсиш рўй бермоқда.

Мисол учун, Қорақалпоғистоннинг ялпи ҳудудий маҳсулоти 2017 йилда 13 триллион 500 миллиард сўм ёки 1 миллиард 600 миллион долларни ташкил этган бўлса, ўтган даврда бу кўрсаткич 4 баробар ўсиб, жорий йил бошида 54 триллион сўм ёки 4 миллиард 500 миллион доллардан ошди. Аҳоли жон босишга тўғри келадиган ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2017 йилдаги 7,5 миллион сўмдан 26,5 миллион сўмга етди.

Қисқа муддатда бизнес ва инвестициялар учун қўлай муҳит тадбиркорларга даромад топиши учун янгидан янги имкониятлар яратилгани натижасида ҳозир ушбу ҳудудда замонавий саноат ва кучли тадбиркорлар қатлами шаклланди. Буни ўтган даврда корхоналар сони икки баробар кўпайиб, 26 мингтага, саноат маҳсулотлари ҳажми эса 4,2 баробар ўсиб, 29 триллион сўмга етгани мисолида ҳам кўриш мумкин. 2017 йилда 6 миллион доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилган бўлса, бу кўрсаткич қарийб 500 баробар ўсиб, 2025 йилда 2 миллиард 500 миллион долларни ташкил қилгани диққатга сазовор. Экспорт ҳажми эса 2017 йилдагига нисбатан 13,5 баробар ошди, 2025 йилда 435 миллион долларга етди.

Аҳоли ва тадбиркорлар учун берилган алоҳида имтиёзлар ҳақида айтсак, тадбиркорлар учун фойда солиғи, айланмадан олинмаган солиқ, юридик шахсларнинг мол-мулк ва ер солиғи ставкалари 2 қарра камайтирилди.

Бундай имкониятлар туфайли кичик бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 2020 йилдаги 62,5 фоиздан 2025 йилда 65,5 фоизга кўтарилди. Саноатдаги улуши эса мос равишда 24,7 фоиздан 41,3 фоизга, хизмат кўрсатишда 52,2 фоиздан 74 фоизга, экспортда 21,6 фоиздан 43,7 фоизга етди.

Аҳолининг ялаши шaroитини яхшилаш ва уй-жойга талабин қондириш мақсадида қилинаётган ишлар туфайли сўнгги тўрт йилда Оролбўйида 8749 хонадонли 224 та кўп қаватли уй фойдаланишига топширилди. 1734 фуқарога 53 миллиард 400 миллион сўмлик субсидия ажратилиб, бошлангич тўлови қоплаб берилди. Жорий йилда эса яна 4206 хонадонли 103 та кўп қаватли уй қурилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг алоҳида топишини асосида ҳукуматнинг тегишли қарори қабул қилиниб, ночор ҳолатдаги қарийб 18 минг 500 та хонадон янгидан қуриди ва таъмирланди. Шу тарақа оғир шaroитда яшаётган 70 мингга яқин кишининг уй-жой шaroити тубдан яхшиланди. Президент Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева Хўжайли туманидаги Саршингил, Жана Жап ва Кун нури маҳаллаларида термитдан зарар кўрган 147 та уйда яшаётган одамлар билан шахсан учрашиб, мулоқот қилди. Шундан кейин бу оилаларни бошқа жойга кўчириш учун бюджетдан 33 миллиард сўм ажратилди.

Тахиятот туманида ўтган асрнинг 50-йилларида ёғочдан вақтинчалик ётоқхона сифатида қурилган 5 та барак типидagi уйда

қуядиган бепоеъ текисликлари бағрида жойлашган ушбу овул ҳаётида Президентимизнинг 2018 йилда берган топширигидан кейин туб ўзгаришлар рўй берди.

Хусусан, 25 та кўп қаватли уй, ички йўл ва йўлақлар таъмирланди. Қўчаларга ёриткичлар ўрнатилди. Еш оилалар, кам таъминланган ҳамда ногиронлиги бўлган фуқаролар учун 24 та арзон уй-жой, божхона хизмати ходимлари ва чегарачилар учун хизмат уйлари барпо этилди.

Худуддаги 41 километрли ичимлик сув тармоғи яхшиланди, 16 километр ички йўллар, 21 та трансформатор, 3 километр газ тармоғи ва 16 та газ тақсимлаш нуқтаси, меетеостанция, темир йўл вокзалида таъмирлаш ишлари бажарилди, 2 та бекат қурилди.

Саккизта ижтимоий объект, жумладан, икита умумтаълим мактаби, икита мактабгача таълим ташкилоти, ўсмирлар спорт мактаби, коллеж, оилавий поликлинника биноси мукамал таъмирланди. Ўтган асрнинг 90-йилларида буюн қаровсиз қолиб кетган клуб замонавий маданият саройига айлантирилди. Маҳаллада футбол ва болалар майдончаси барпо этилди. Тилув цехи ишга туширилиб, 80 хотин-қиз доимий даромад манбаи билан таъминланди. Бир сўз билан айтганда, ушбу олис чегара ҳудудда қилинган ишлар давлатимиз халқпарвар сиёсатининг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Давоми 3-бетда

СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Лея ГУТИЭРРЕС: “ЎЗБЕКИСТОН ИНВЕТОРЛАР УЧУН ТОБОРА ЖОЗИБАДОР БЎЛИБ БОРМОҚДА”

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, соғлиқни сақлашда инсулт ва кўкрак бези саратонни эрта аниқлаш, тиббий кўрик жараёнларини автоматик баёндаштириш, рақамли тиббий ёрдамчи дастурларни жорий этиш; қишлоқ ҳўжалигида экинлар ҳосилдорлигини прогноз қилиш, фитосанитар хавфлар бўйича фермерларнинг хабардорлигини таъминлаш, яйловларнинг ҳолати мониторингини уюштириш; транспорт соҳасида йўл қопламалари ва темир йўл инфратузилмаси мониторингини ўтказиш, ҳайдовчинини хавфли вазиятлардан оголдиштириш, “ақлли” транспорт тизимларини ривожлантириш; қурилиш ва саноатда эса қонунобузарликларни аниқлаш, смета ҳужжатларини кўриб чиқиш мuddатли қисқартириш, видео таҳлил орқали ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш каби лойиҳаларни кенгайтириш назарда тутилган.

Инфратузилмани ривожлантириш билан бирга маҳаллий стартапларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли, айниқса, ёшларнинг рақамли кўникмаларини шакллантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Бугунги кунда мамлакатимизда стартаплар сони 950 тага етган, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 37,5 фоизлик ўсиш, экотизим қўймати эса 4,3 миллиард доллар деб баҳоланмоқда. Стартапларга киритилган инвестициялар ҳажми 132 миллион долларни ташкил этгани таъкидланди.

Жорий йилдан бошлаб стартаплар бўйича Президент танловининг мукофот жамғармаси АТ йўналишида 5 миллион долларга оширилгани, сунъий интеллект йўналишида эса 1 миллион долларлик янги танловлар жорий этилгани маълум қилинди. Шунингдек, “President AI Award”ни давлат бошқаруви, саноат ва тадбиркорлик, соғлиқни сақлаш, таълим, “яшил иқтисодиёт” ва агротехнологиялар каби 5 йўналишда ташкил этиш тақдир қилинди.

2030 йилгача ахборот технологиялари соҳасида 300 минг ёшнинг бандлигини таъминлашга қаратилган чоралар ҳам кўриб чиқилди. Бунинг учун ҳудудларда рақамли экотизимни кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, экспортбоп хизматлар қўламини ошириш ва стартапларнинг ўсиш нукталарини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

Шу муносабат билан Самарқанд, Наманган, Сирдарё ва Бухорода IT-Parkнинг янги филиаллари, Нурафшон шаҳрида эса рақамли R&D марказини ташкил этиш бўйича режалар ҳақида ахборот берилди. Нурафшон шаҳрида 7,3 гектар майдонда ташкил этиладиган мазкур марказ доирасида 6 та юқори технологияли лаборатория, сунъий интеллект учун 200 та GPUли ҳисоблаш маркази, стартап кампуси ва тижоратлаштириш марказини барпо этиш кўзда тутилган. Лойиҳанинг умумий қўймати 200 миллион долларни ташкил этиб, уни 2027-2031 йилларда амалга ошириш режалаштирилган.

Тақдимотда рақамли таълимни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

“5 миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳаси доирасида 1 миллиондан ортиқ бошланғич курс тинловчилари, 300 мингдан зиёд ўрта босқич тинловчилари ва 1,5 минг профессионал даражадаги мутахассис тайёрлангани айтилди. Энди мактабларда сунъий интеллект ва стартап хоналарини ташкил этиш тақдир қилинди.

Шу билан бирга, мактабларда рақамли инфратузилма ҳолати таҳлил қилинди. Ҳозирда 69 фойза мактабларда Wi-Fi зонаси умуман мавжуд эмаслиги, 5 мингта компьютер синфи маънан эскиргани, 2 мингта мактабда эса бундай хоналар йўқлиги қайд этилди. Шу боис, 2030 йилгача 16 мингта компьютер синфхоналарини янгилаш, мактабларни бепул Wi-Fi нукталари билан таъминлаш ва интернет тезлигини ошириш бўйича аниқ чоралар кўриш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда маҳаллий АТ ечимларидан фойдаланишни кенгайтиришга ҳам алоҳида ургу берилди. Давлат иштирокидаги корхоналар ва банклардаги дастурий маҳсулот ва ахборот технологиялари хизматларининг қамда 45 фоизини маҳаллийлаштириш имкониятини мавжудлиги қайд этилди. Шу муносабат билан давлат корхоналари ва банклар томонидан АТ хизматлар импорт қилинишида мажбурий тартибда Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги билан келишиш тизимини жорий қилиш, бюртмаларни IT-Park резидентларига йўналтириш тақдир этилди.

Телекоммуникация инфратузилмаси ва тартибга солиш соҳасидаги ишларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Кейинги йилларда аҳоли масканларининг телекоммуникация хизматлари билан қамрови 41 фойзадан 98 фойзага етган, умумий интернет ўтказиш қобилияти эса 65 баробар ошди, 4,4 минг гигабит/секундга чиққан. Телекоммуникация бозорини тартибга солиш, хизматлар сифатини мониторинг қилиш ва фойдаланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида алоҳида агентлик ташкил қилингани қайд этилди.

Тақдимотда телекоммуникация бозорини ҳар йили қамда 10 фойзага ошириб, жорий йилда 27,5 триллион сўмга етказиш режалари кўриб чиқилди.

Киберхавфсизлиқни таъминлаш, давлат ахборот тизимларини интеграция қилиш ва рақамли ҳуқуқат платформасини мустақкамлаш масалалари ҳам муҳокама этилди. Давлат ахборот тизимларини фақат ягона рақамли ҳуқуқат платформаси орқали интеграция қилиш, киберхавфсизлик экспертизасидан ўтган тизимларни рақамли ҳуқуқатга улашиш чеклаш, шунингдек, ахборот хавфсизлигини кучайтириш мақсадида ҳар йили бир марта тўлиқ АТ-аудит ўтказиш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари сунъий интеллект ва рақамлаштириш бугунги кунда фақат технология янгилашни эмас, балки иқтисодиёт самарадорлиги, давлат бошқаруви сифати, хизматлар қўлайлиги, экспорт салоҳияти ва мамлакат рақобатбардорлигини белгилайдиган стратегик йўналиш эканини таъкидлади. Соҳадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш юзасидан мутаассадиларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗА



Бошланиши 1-бетда

Энг муҳими, мамлакат ҳуқуқати ҳар йилги йиғилиши Ўзбекистонда ўтказишга юқори даражадаги сиёсий содиқликни кўрсатди.

— Ўзбекистон ОТБнинг Марказий Осиёдаги энг йирик ҳамкорларидан бири бўлиб қолмоқда. Икки томонлама ҳамкорликнинг асосий устувор йўналишлари нималардан иборат? Шунингдек, Ўзбекистоннинг инвестициялар учун жозибадорлигига хизмат қилувчи омиллар ҳақида гапириб берсангиз.

— Ўзбекистон ОТБнинг Марказий Осиёдаги энг йирик ва стратегик аҳамиятга эга ҳамкорларидан ва бу ҳамкорлик барқарор ҳамда инклюзив ривожланишга умумий содиқликка асосланади. ОТБ ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик 2024-2026 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик стратегиясида мустақкамланган.

Асосий устувор йўналишларга инсон капиталини жалб этиш, иқлим ўзгаришларига чидамликни ошириш, давлат хизматлари сифати ва рақамли ҳуқуқатнинг ошириш қиради. Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлигига келсак, у қатор кучли фундаментал омилларга таънади.


Мамлакатнинг катта қисми ёшлардан иборат, уларнинг кўпи 30 ёшдан кичик. Бундан ташқари, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган бўлиб, энергетика, транспорт ва саноат каби соҳаларда салмоқли салоҳиятга эга.

Сўнгги йиллардаги кенг қўламли иқтисодий ислохотлар муҳитини яхшилаш, иқтисодиётнинг очиқлигини таъминлаш инвесторлар ишончини мустақкамлашга хизмат қилди. Айнан шу жиҳат Ўзбекистоннинг инвестициялар учун алоҳида жозибадорлигини таъминлайди.

— Ўзбекистон Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги муҳим транспорт-логистика тўғриси. ОТБ яқин йилларда қайси минтақада инфратузилма лойиҳаларини энг истиқболли деб ҳисоблайди?

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ташқи сиёсатида очиқлик, прагматизм ва ўзаро манfaatли ҳамкорлик тамойиллари устувор аҳамият касб этмоқда. Айниқса, Европа давлатлари билан алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш, илгор технологиялар, инвестициялар ва замонавий бошқарув тажрибасини жалб этишга қаратилган сиёсат мамлакатимиз тараққиётида муҳим омилга айланмоқда. Бу жараёнда давлатлараро муносабатларни фақат дипломатик мулоқот доирасида эмас, балки иқтисодий, технологик ва гуманитар соҳаларда ҳам чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

ЎЗАРО АЛОҚАЛАР ИНСТИТУЦИОНАЛ ЖИҲАТДАН МУСТАҚКАМЛАНМОҚДА



Шу маънода, Чехия билан муносабатлар алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, Чехия Европа Иттифоқининг саноати ривожланган давлатларидан бири, машинасозлик, энергетика, фармацевтика, юқори технологиялар ва муҳандислик соҳаларида катта салоҳият мавжуд. Ушбу давлатнинг технологик имкониятлари, экспортга йўналтирилган иқтисодиёти ва инновацион ечимлари Ўзбекистон учун муҳим ҳамкорлик манбаи ҳисобланади. Шу билан бирга, Чехиянинг Европа бозорларига чиқишдаги ўрни мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари учун янги имкониятлар эшигини очди.

Глобал иқтисодий шароитда юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш, саноат кооперациясини ривожлантириш ва экспорт географиясини кенгайтириш устувор вазифалардан бирига айланиб бораётган бўлган кунда Чехия билан ҳамкорлик ана шу мақсадларга эришишда муҳим стратегик йўналиш сифатида намоеён бўлмоқда.

Бу жараёнларнинг мангитий давомий сифатида Чехия Республикаси Бош вазири Андрей Бабишинг Ўзбекистонга расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиққан муҳим воқеа бўлди. Кўксарой қароргоҳида олий даражада ўтган музокаралар даво-

ҳарлар, рақамлаштириш ва муҳандислик соҳаларидаги ҳамкорлик истиқболлари замонавий тараққиёт тенденцияларига тўлиқ мос келади.

Ташриф доирасида имзоланган Кенгайтирилган ҳамкорлик илгари сурилган тўғрисидаги кўшма декларация ҳамда иқтисодий, илмий-технологик ва инфратузилмавий соҳаларни қамраб олган қатор битимлар икки давлат муносабатларини институционал жиҳатдан мустақкамлашга хизмат қилди.

Музокаралар давомиди маданий-гуманитар йўналишда ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилгани диққатга сазовор. Таълим соҳасида кўшма дастурлар, академик алмашинувлар, маданият ва кино кўнрали, туризмини ривожлантириш бўйича келишувлар халқларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч ва яқинликни янада мустақкамлайди. Бу эса давлатлараро муносабатларнинг энг барқарор ва узоқ мuddатли асосини шакллантиради.

Чехия Бош вазирининг Ўзбекистонга расмий ташрифи нафақат икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада мустақкамлади, балки уни стратегик шериклик даражасига олиб чиқиш учун мустақкам замин яратди. Энг муҳими, ушбу ҳамкорлик инновация, технология ва юқори қўшилган қийматга асосланган янги иқтисодий модели шакллантиришга хизмат қилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги очиқлик ва ишончли шериклик тамойиллари халқаро майдонда ўз самарасини бермоқда. Чехия билан муносабатларнинг янги босқичга кўтарилиши эса бу сиёсатнинг амалий натижасидир. Мазкур ҳамкорлик келгусида нафақат иқтисодий ўсиш, балки илм-фан, таълим ва инновацион тараққиёт учун ҳам янги имкониятлар эшигини очди.

Комила КАРОМОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси

КЕНГ ҚЎЛАМЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ



ЧЕХИЯ МАТБУОТИ ИККИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ МУЗОКАРАЛАРИ ҲАҚИДА

Чехиянинг етакчи оммавий ахборот воситалари саҳифаларида Чехия Бош вазири Андрей Бабишининг Озарбайжон ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйлаб сафарининг якуний босқичи бўлган Ўзбекистонга расмий ташрифи кенг ёритилмоқда.

Чехия матбуотининг таъкидлашича, ташриф аниқ иқтисодий хусусиятга эга бўлиб, Чехиянинг минтақадаги мавқеини мустақкамлашга қаратилган.

“IDNES.cz” интернет ресурсининг ёзишича, ташрифнинг асосий воқеаси Тошкентда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан музокаралар бўлиб, унда икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш истиқболлари муҳокама қилинди. Урашувлар якунида томонларнинг савдо-иқтисодий алоқаларини мустақкамлашга интилишини тасдиқловчи қатор битимлар имзоланди.

Чехия Бош вазири Андрей Бабиш ва Абдулла Арипов иштирокида бизнес-форум бўлиб ўтди. Муҳокамалар марказида машинасозлик, транспорт ва туризм каби йўналишлар бўлиб, улар келгусидаги ҳамкорликнинг драйверлари сифатида кўриб чиқилмоқда. Таъкидлашича, Чехия томони минтақада инвестиция ва савдо иштирокини кенгайтиришга қаратилган нуфузли бизнес делегацияси ҳамроҳлигида келган.

Нашрларнинг алоҳида алоҳида блоки йирик саноат шартномаларига бағишланган. Хусусан, “iROZHLAS.cz” ва “Ceske-novinky.cz” онлайн нашрлари “Skoda Group” иштирокидаги замонавий электропоездларни етказиб бериш ва уларга софит мuddатли хизмат кўрсатиш тизимини яратишни назарда тутувчи келишувга эътибор қаратмоқда. Қўймати бир неча миллиард крон

бўлган лойиҳа Ўзбекистон темир йўл инфратузилмасини модернизациялашга қўшилган ҳисса ва бир вақтнинг ўзида Чехия компанияларининг Марказий Осиёдаги янги бозорларга чиқиш имконияти ўлароқ баҳоланмоқда.

“Forum24.cz” портали ҳам икки томонлама муносабатларнинг иқтисодий динамикасини қайд этиб, сўнгги йилларда Чехиянинг Ўзбекистонга экспорт қилинган деярли уч баравар ошганини таъкидлади. Шу нуктаи назардан, Андрей Бабишининг ташрифи Чехия маҳсулотлари ва технологияларини, биринчи навбатда, машинасозлик, транспорт ечимлари ва соғлиқни сақлаш соҳаларида янада илгари суриш воқеаси сифатида кўрилади.

“EuropeSays” нашри ташрифини Чехиянинг Марказий Осиёда иқтисодий иштирокини мустақкамлаш бўйича узоқ мuddатли сиёсатининг бир қисми сифатида баҳолаб, кенгрок контекстга эътибор қаратган. Нашрда Прагнинг нафақат экспорт ва инвестицияларни ошириш, балки Чехия бизнесининг минтақанинг истиқболли бозорларидаги мавқеини мустақкамлаш истаги таъкидланган.

Чехия оммавий ахборот воситалари нашрлари таҳлили шуни кўрсатадики, Чехия Бош вазирининг Ўзбекистонга ташрифи амалий натижаларга, саноат кооперациясига ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга эътибор қаратган ҳолда икки томонлама шерикликни ривожлантиришда муҳим қадам сифатида қабул қилинмоқда.

“Дунё” АА Прага

“Дунё” АА

Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН — ЯНГИЛАНИШ, УЛКАН БУНЁДКОРЛИК ВА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ДИЁРИ

Президентимиз ташаббуси билан Оролбўйи ҳудудини барқарор ривожлантириш ва Орол денгизининг қуриган тубида яшил қоплама — ҳимоя ўрмонлари барпо этиш борасида қилинаётган ишлар хусусида



Турсунхан ХУДАЙБЕРГАНОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Оролбўйи минтақасини барқарор ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси

Бошланиши 1-бетда

Ҳудудда йўллари обод қилишга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистонда кейинги 5 йилда 6579 километр узунликдаги қурилиш-реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Жумладан, 2533 километр асфальт ва бетон йўлларда қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилган бўлса, 4046 километр йўлга шағал ётқизиildi.

“Кўнирот — Бейнов” автомобил йўлининг 240 километр қисмига цемент-бетон қопламаси ётқизилгани нафақат Оролбўйи ҳудуди, балки мамлакатимиз ҳаётидаги улкан воқеалардан бири бўлди. Амударё устида

меъморий қиёфаси янгиланди, инфратузилма сезиларли даражада яхшиланди, кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди.

Бўзатов қайта ташкил этилган пайтда туман маркази ташландиқ ҳолга келиб қолганди. Бу ердаги бунёдкорлик ишлари натижасида бугун ҳудуд Оролбўйидаги энг сўлим ва обод масканлардан бирига айланди.

Президентимиз фаолиятининг илк даврларидан Орол денгизи қуриши билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга катта эътибор қаратиб келмоқда. Давлатимиз раҳбари 2018 йил ноябрда Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида олим ва мутахассислар билан учрашиб, қуриган денгизнинг салбий таъсирини камайтириш бўйича атрофича фикр алмашган эди. Пировардида денгиз ўрнида яшил қоплама — ҳимоя ўрмонлари барпо этиш юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар берганди.

Уша йилнинг декабридан эътиборан юртимиз бўйлаб янги ҳаракат бошланди. Мамлакатимизнинг барча ҳудуди вакиллари, Фавқулодда вазиятлар ва Қишлоқ хўжалиги вазирликлари тизими ходимлари, ўрмончилар аниқ киши чиласида, 25-30 даражада совуққа қарамай, амалий ишларга киришди.

Биринчи мавсумнинг ўзида 1 миллион 125 минг гектар майдонда қумни ушлаб қолиш ва намликни сақлаб туриш учун ер тайёрлаш ишлари бажарилди. 461 минг гектар ерга саҳро шартинга мос саксувал, черкез, қандим, қорабароқ каби ўсимликлар экилди.

Шу ўринда таққослаш учун битта мисол келтирамиз. 1984-2018 йилларда, яъни 34 йил давомида Оролбўйи ҳудудидаги 350 минг гектар майдонда ўрмон барпо этилган бўлса, 3-4 ойдаёқ ушбу майдондан 111 минг гектар кўп яшил қоплама ташкил қилинди. Бу том маънодаги тарихий воқеа, Оролбўйида янги даврнинг бошланиши эди. Президентимиз



ишларнинг кўлами ва молиявий манбаси аниқ белгилаб берилаётгани муҳим амалий аҳамиятга эга.

Ўтган йилларда Оролга янги ҳаёт бахш этишга қаратилган ишлар умумхалқ ҳаракати айланди. Бунда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, қишлоқ хўжалиги ходимлари ва ўрмончилар билан бирга ёшлар, нурунийлар, зиёлилар, санъаткорлар, депутатлар, бир сўз билан айтганда, бутун халқимиз фаол иштирок этмоқда. Қуриган денгиз туби кўп миллатли халқимизнинг мардлик

Мамлакатимиз етакчиси Қорақалпоғистонга ҳар бир ташрифта Орол денгизига қилинаётган ишлар билан танишишга алоҳида вақт ажратди. Денгиз тубидаги ишлар давлатимиз раҳбарининг доимий эътибори ва назоратида. Қандай учрашув, мулоқот бўлмасин, дом ишлар қандай кетаётгани тўғрисида сўрайди.

Президентимиз 2022 йил февралда Орол денгизи тубида қилинаётган ишлар билан бевоқиф танишди, “етмишинчи километр” деб шартли белгилаб олинган ҳудудни бориб кўрди. Айтиш мумкинки, барқ уриб кўкараётган саксуваллар билан “тапшадди” ва “диллашди”. Бамисоли фарзандининг камолини кўрган ота каби хурсанд бўлди. Атроф-муҳит муҳофазаси, Оролбўйида аҳолининг ҳаётининг саломатлиги, турмуш шартини билан боғлиқ ушбу ишларни бир муддат ҳам тўхтатмаслик, зарур маблаг ва воситаларни ажратиб юзасидан қўшимча кўрсатма ва топшириқлар берди.

Ана шундай эътибор туфайли Оролда бажарилаётган ишларнинг ижобий натижалари алақачон намоён бўла бошлаган. Ҳозиргача 2 миллион 97 минг гектар майдонда чўл ўрмон пайдо бўлди. Бунинг учун 8500 тоннага яқин чўл ўсимликлари уруғи экилди. Натижада ҳудудда илгари тез-тез кузатиладиган қум-чанг бўрони кескин камайди, ҳаво таркибидagi майда қум зарралари миқдори эса 70-75 фоиз пасайган.

Ҳозиргача 2 миллион 97 минг гектар майдонда чўл ўрмон пайдо бўлди. Бунинг учун 8500 тоннага яқин чўл ўсимликлари уруғи экилди. Натижада ҳудудда илгари тез-тез кузатиладиган қум-чанг бўрони кескин камайди, ҳаво таркибидagi майда қум зарралари миқдори эса 70-75 фоиз пасайган. Ёгингарчилик миқдори ошгани кузатилади. Жорий йил февралда Мўйноқда ёгин миқдори ўртача меъёрга нисбатан 196 фоиз кўп бўлди. Орол тубига март ойида ҳам қор ёғди.

Оролнинг қуриган тубида қилинаётган ишлар халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилмоқда. Хусусан, БМТ Бош котиби Ўринбосари, БМТнинг Чуланишига қарши конвенцияси ижрочи котиби Иброҳим Тиау денгиз тубида ушбу ҳудудда бўлиб, кўрганларидан хайратини яшира олмади. Иброҳим Тиау Ўзбекистоннинг яшил оламни қайта тиклаш борасидаги ташаббуслари ва эришаётган ютуқлари жиддий эканини таъкидлаб, мамлакатимиз ер деградациясининг олдини олиш, ерларни қайта тиклаш бўйича етакчи давлатлар қаторига киргани, амалий ҳаракатлари билан барчага намуна бўла олишини айтди.

Ўзбекистондаги қирқдан ортқ қорайилган давлат элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ҳам 2023 йили Мўйноқ шаҳри ва Орол тубида бўлиб, ўзгаришларга юксак баҳо берди. Яқинда БМТнинг Ўрмон форуми раиси Исмаил Белен ва Ўрмон форуми котибияти директори Жулетте Биао ҳам денгиз тубидаги кенг кўламли ишлар билан қирқдан танишиб, Ўзбекистоннинг

Орол ҳудудида янги экологик тизим яратиш борасидаги тажрибасини юксак эътироф этгани бежиз эмас, албатта.

Бу ноёб тажриба қўшни мамлакатларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Мисол учун, 2020 ва 2024 йилларда қозғистонлик олим ва мутахассислардан иборат илмий гуруҳ ўзаро тажриба алмашиш учун ушбу ҳудудда бўлди. Кўкаламзорлаштириш бўйича лойиҳа натижалари уларни хайратга солди. Самолёт ёрдамида сепилган уруғларнинг юқори унвучанлиги улар учун муҳим янгилик бўлганини алоҳида қайд этди.

Қозғистон делегацияси юртимизда тўп-лашган тажрибани яқиндан ўрганиб, чўлланиш муаммосини ҳал қилишда янги билим ва имкониятларга эга бўлди. Келгусида улар ўз мамлакатининг жанубий қисмидаги чўл ҳудудларда қумнинг ҳаракатланишига тўсқинлик қиладиган “яшил камар”ни яратиш бўйича қўшма лойиҳани амалга оширишни режалаштирмоқда.

Ўтган йили Оролда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг илмий-тадқиқот станцияси иш бошлади. У ерда олим ва мутахассислар шўрланган тупроқ унумдорлигини тиклаш, шўрга чидамли ўсимликларни ривожланиши ва чанглинишни кузатиш, тупроқ, қум кўчиши, сув ва иқлим ўзгаришлари каби жараёнларни таҳлил қилиш билан шугулланади.

Мутахассисларнинг айтишича, станция Оролбўйи ҳудудида экотизмини тиклашга қаратилган янги илмий ёндашувларни синовдан ўтказиш, олинган натижаларни тизимли таҳлил қилиш ва уларни амалиётга жорий этиш имконини беради. Бу эса минтақанинг узок муддатли экологик барқарорлигини таъминлашда муҳим илмий платформа бўлиб хизмат қилади.

2026 йилда 215 минг гектар майдонда яшил қоплама барпо этиш белгиланган бўлса, ундан кўпроқ — 231 минг 530 гектар майдонга 690 тонна саксувал ва бошқа ўсимликлар экилди. Ушбу тадбирларга ўрмон хўжалигининг 622 ишчиси, 730 та махсус техника ва агрегат, 2 та самолёт жалб этилди.

Хуллас, ҳозир Орол денгизи очик осмон остидаги илмий лабораторияга, янги илмий-амалий ғоя ва ишланмалар яратиладиган инновацион ҳудудга айланиб бормоқда. Аҳамиятисини, бу ерда бўй чўзаётган янги ўрмонлар бағрида халқаро илмий анжуманлар, дўстлик ва сайёҳлик фестиваллари, ёшлар иштирокида турли-туман тадбирлар, уч-авлод учрашувларини ўтказиш аънава тусига кирмоқда.

Яқинда Қозғистоннинг Остона шаҳрида Оролни қўтқариш халқаро жамғармаси

таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгаши мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президентимиз 2027-2029 йилларда Оролни қўтқариш халқаро жамғармаси президенти этиб сайланди. Кенгаши мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан иқлим ўзгариши ва сув тақчиллиги кучайиб бораётган шароитда жамғарма фаолияти самарадорлигини ошириш ва унинг ролин кучайтиришга қаратилган қатор амалий ташаббуслар илгари суртилди. Бу Орол денгизи ҳавасида экологик вазиятни яхшилаш, сув ресурсларини бошқариш ва икклимий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш бўйича қилинаётган ишлар нафақат мамлакатимизда, қолаверса, минтақамизда ҳам тизимли давом этишини аниқлатади.

Умуман, Қорақалпоғистон нуфузли халқаро форумлар, ранг-баранг маданий тадбирлар тез-тез ўтказилган маданият ва санъат марказига айланиб бормоқда. Мисол учун, Бўзатов туманида 2021 йилдан буён ташкил этиб келинаётган “Ёшлар овози” фестивали кўп миллатли мамлакатимиз ёшларини бирлаштираётгани билан ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Ўтган йил апрелда яна бир йирик тадбир — Орол маданият саммити муваффақиятли ўтказилди. Ушбу аънанавий форум Оролбўйи ҳудудида қулай табиий муҳит яратиш, ҳудуднинг ноёб маданияти ва тарихий меросини асраб-авайлаш ҳамда кенг омалаштириш, ушбу йўналишларда илмий тадқиқот ишлари, инновацион лойиҳалар ва ижодий ташаббусларни амалга ошириш учун халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни кенгайтиришга хизмат қилади.

Президентимиз ташаббуси билан 2024 йили Нукус шаҳрида дунёда энг катта қорақалпоқ ўтовни қад ростлади ва “Гинненинг рекордлар китоби”га киритилди. Ўтган йили эса қорақалпоқ халқининг миллий чолгу асбоби — қўбиз, жировчилик санъати ҳамда қора уйнинг ЮНЕСКО маданий мерос рўйхатига киритилгани қорақалпоқ маданияти ва аъналарига кўрсатилаётган эътибор ифодасидир.

Ўтган йили Нукус шаҳридан 130 километр узоқликдаги улугўвор Буржитов этагида бунёд этилган ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, туркман, бир сўз билан айтганда, туркий халқларнинг қадимий маданияти ва турмуш тарзини ўзида ифода этган этноувола мажмуаси сайёҳлар энг кўп келадиган масканлардан бирига айланди.

Шунингдек, Эллиқкальа туманидаги “Ақ-чакўл” сайёҳлик рекреация зонаси, Тахтақўйи туманидаги Қоратерен дам олиш мажмуасида улкан бунёдкорлик ишлари бажарилди ва сайёҳлар учун барча шартинга эга янги туризм объектлари пайдо бўлди.

Бундай йирик лойиҳалар натижасида ҳудуднинг сайёҳлик салоҳияти изчил ошиб бормоқда. Хусусан, 2021 йилда Қорақалпоғистонда 61 та меҳмонхона фаолият юритган бўлса, бугун қарийб 2 баробар кўпайиб, 109 тага етди. 2021 йилда хорижлик сайёҳлар сони 20 минг нафарни ташкил этган бўлса, ўтган йили 400 минг нафардан ошди.

Бугун иқтисодийни барқарор ривожлантириш, аҳоли турмуш шартини яхшилашга қаратилган бундай ишлар бошқа соҳаларда ҳам бажарилимоқда. Хусусан, Қораўзақ туманидаги “Тебинбулок” кони неғизида йилга 58 миллион тонна темир рудасини қазиб олиш қувватига эга завод қурилиши қизгин давом этмоқда.

Аҳоли, айниқса, иқтисодий тармоқларнинг энергия ресурсларига талабини таъминлаш мақсадида Кўнирот, Қораўзақ ва Беруний туманларида дунёга машҳур “АСВА Power” компанияси билан ҳамкорликда қуввати 7200 мегаваттлик йирик шамол электр станциялари барпо этилмоқда. Кўнирот ва Мўйноқ туманларида нефть-газ соҳасида умумий қиймати 200 миллион долларлик 4 та лойиҳа амалга ошириляпти.

Жаҳон банки инвестицияси ҳисобидан Нукус шаҳрида каналзация тармоқлари ва объектларида қурилиш-таъмирлаш ишлари бошланди. Худди шундай ишлар Тахитов ва Хўжайли туманларида ҳам бажарилади.

Амударё, Беруний, Қораўзақ, Кўнирот ва Мўйноқ туманларида Осие тараққиёт банки маблағи ҳисобидан ичимлик сув таъминотини яхшилашга қаратилган катта ҳажмдаги ишлар жадал кетмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Қорақалпоғистонни ҳар томонлама ривожлантириш, аввало, экологик инкироз оқибатларини юмшатиб, мураккаб вазиятга яшаётган аҳоли учун қулай шартинлар барпо этиш янги Ўзбекистон тараққиёти йўлидаги ислохотларнинг бош мақсадларидан бирига айланган. Барча янги ташаббус ва сайёҳ-ҳаракатлар ушбу ҳудуд аҳолиси учун муносиб ҳаёт шартинларини яратишга қаратилган.

Давлатимиз раҳбарининг доимий эътибори ва ғамхўрлигини ҳис этиб яшаётган Қорақалпоғистон аҳли юксак марралар сари ишонч билан бормоқда. Бу эса ушбу диёрни экологик муаммолар гирдобига қолган ҳудуддан янгилашни, бунёдкорлик, янги имкониятлар масканига айлантирмоқда.

“ Ҳозиргача 2 миллион 97 минг гектар майдонда чўл ўрмони пайдо бўлди. Бунинг учун 8500 тоннага яқин чўл ўсимликлари уруғи экилди. Натижада ҳудудда илгари тез-тез кузатиладиган қум-чанг бўрони кескин камайди, ҳаво таркибидagi майда қум зарралари миқдори эса 70-75 фоиз пасайган.

темир йўл ва автомобиль йўлидан иборат йирик қўшма кўприк қурилиб, фойдаланишга топширилиши билан қорақалпоғистонлик ва хоразмликларнинг асрий орузи ушалди.

Кейинги 9-10 йилда ижтимоий соҳада ҳам кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, давлат қарамоғидаги 264 та болалар боғчасида қурилиш ва реконструкция ишлари бажарилиб, қамров 2016 йилдаги 25 фоиздан 84 фоизга етказилди ва Қорақалпоғистон бу борада энг илгор ҳудудлардан бирига айланди.

Шунингдек, 224 та мактаб қурилгани ва мукамал таъмирлангани ҳисобига минглаб янги ўқувчи ўрни очилди, уч сменали ўқиш тўлиқ тугатилди.

Ислохотлар бошланганидан буён ҳудуддаги олийгоҳлар сони 6 тадан 11 тага етказилди. Олий таълим муассасаларига қабул кўрсаткичи 2016 йилдаги 9 фоиздан 55 фоизга кўтарилди. Буларнинг барчасида қорақалпоғистонлик ёшлар учун ажратилаётган қўшимча квоталар муҳим асос бўлмоқда. Ҳудудда ишлаб чиқариш кўлами кенгайиши натижасида кадрларга талаб ошди. Шу туфайли Президентимизнинг фармонида асосан 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб ҳозирга қадр қорақалпоғистонлик ёшлар учун қўшимча 30 минг 700 ўрин ажратиб берилди.

Оролбўйида 2023-2025 йилларда 253 миллион 395 миллион сўм ҳисобидан 67 та соғлиқни сақлаш объектида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Тиббиёт ривожига қаратилаётган эътибор натижасида аҳоли ўртасида касалликларни эрта аниқлаш ва ўлим даражасини бир неча марта камайтиришга эришилди. Нафас олиш тизими касалликлари камайиши кузатилади. Жумладан, бирламчи касалланиш 2022 йилда ҳар 100 минг аҳолига нисбатан 42 минг 449 нафарни ташкил этган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич 33 минг 294 нафарга тушди. Нафас олиш тизими бўйича умумий касалланиш эса 100 минг аҳолига 14 минг 798 нафарни ташкил этган бўлса, ҳозир 10 минг 50 нафарга тушди. Эътиборлиси, бундай ижобий ўзгариш муттасил сақланиб турибди.

Давлатимиз раҳбарининг “Маданият Мўйноқдан бошланади” деган, эзгу ташаббуси асосида туманда рўй бераётган ўзгаришлар кишини қувонтиради. Илгари умидсиз ва истиқболсиз бир ҳудуд сифатида қаралган Мўйноқ бугун янги имкониятлар ва тараққиёт ҳудудига айланди. Қисқа муддатда туманининг



раҳбарлигида келажак авлодларга тоза ҳаво, мусаффо осмон, гўзал табиат, обод ва фарован Ватан қолдириш мақсадидаги улғу ишларнинг дебечаси эди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан ўшандан буён ҳар йили Орол денгизининг қуриган тубида қиш ва баҳор ойларида яшил қопламалар барпо этиш бўйича қўшимча ишлар алоҳида қарор қабул қилинмоқда. Ушбу ҳужжатларда бажариладиган барча

ва матонат, ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат мактабига айланди.

Кузатув ва ҳисоб-китобларга кўра, 2018-2025 йилларда экилган ўсимликларнинг ўртача кўкүрвчанлиги 55-60 фоизни ташкил этмоқда. 2019-2020 йилларда барпо этилган ўрмонларда саксувнинг бўйи ўртача 2-3 метрга етган. Ҳозир ўсимликларнинг уруғ туби, ён-атрофга сочилиш — табиий тиклаш-барпо этиш бўлиб, ўзгаришларга юксак баҳо берди. Яқинда БМТнинг Ўрмон форуми раиси Исмаил Белен ва Ўрмон форуми котибияти директори Жулетте Биао ҳам денгиз тубидаги кенг кўламли ишлар билан қирқдан танишиб, Ўзбекистоннинг



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Халқаро баҳолар ва молиявий эркинлик

Бугун мамлакат иқтисодиётига берилган баҳо фақат ички статистик кўрсаткичлар билан эмас, балки халқаро молиявий институтларнинг хулосалари орқали ҳам шаклланади.

Мутахассислар фикрича, бундай хулосалар оддий рақамлар йиғиндиси эмас. Улар ортда макроиқтисодий сиёсат барқарорлиги, инфляцияни бошқариш тизими, бюджет интизоми ва ислохотлар илчиллиги каби омиллар туради.

Шунингдек, жорий йил мамлакатимиз нуфузли "Иқтисодий эркинлик индекси"да 14 поғона юқорилаб, илк бор иқтисодиёти мўтадил эркин давлатлар қаторидан жой олди.

Иқтисодий эркинлик тушунчаси фақат бозорни очиш ёки давлат иштирокини камайтириш билан чекланмайди. У, аввало, тадбиркор учун тенг имкониятлар яратилиши, ҳуқуқий кафолатларнинг ишончилиги, қарор қабул қилиш жараёнида шаффофлик ва иқтисодий муносабатларда адолат тамойиллари мустақамланиши билан ўлчанади.

Кузатувларга кўра, халқаро баҳо ва ички ислохотлар бир-бирини тўлдирди. Яъни бир томонда Халқаро валюта жамғармасининг ижобий хулосаси макроиқтисодий барқарорлиқни тасдиқлади, иккинчи томонда иқтисодий эркинлик индексининг ўсиши ички бозор ислохотлари чуқурлашганини кўрсатади.

Амалётда яна бир муҳим ҳақиқат яққол кўзга ташланмоқда: иқтисодий тизимдаги ҳар қандай рақам ортда инсон омили туради. Қареддир бир корхона ишга туша, иш ўринлари пайдо бўлади; қареддир бюрократия қисқарса, янги ташаббуслар кучаяди. Демак, иқтисодий фақат ҳисоботлар эмас, балки реал ҳаёт манзараси.

Халқаро баҳолар ва иқтисодий эркинлик индексидаги ижобий силжишлар мамлакат иқтисодиётининг нафақат ўсиш босқичида, балки сифати трансформация жараёнида эканини кўрсатмоқда. Бу ҳолат иқтисодий сиёсатнинг ташқи эътибори ва ички ислохотлар уйғунлиги асосида ривожланиётганини аниқлатади.

Ўзбекистон иқтисодиётида кузатилаётган ҳозирги ўзгаришлар оддий ўсиш босқичидан чиқиб, тизимли янгиланиш даврига кирган. Бу даврда иқтисодий сиёсат самараси аввало жамиятда шаклланиётган янги аҳоли иқтисодий тафаккур, масъулиятли қарорлар ва кенгайиб бораётган имкониятларда намоён бўлмоқда.

Ингилишда кўриб чиқилган масалалар ҳам айнан шу йўналишни тасдиқлайди. Бугун иқтисодий сиёсат марказида ўсиш суръатлари ҳамда унинг сифати, барқарорлиги ва реал ҳаётга таъсири турибди. Ҳар бир иқтисодий кўрсаткич ортда янги иш ўринлари, тадбиркорлик ривож, экспорт салоҳияти ва аҳоли фаровонлиги каби аниқ натижалар мумкин бўлиши зарурлиги таъкидланади.

Рақамлар ва режалар қанчалик йирик бўлмасин, амалдасиз натижаларга айлангани ҳам йўналишни тасдиқлайди. Чунки иқтисодий сиёсатнинг ҳақиқий мезони ҳисоботлар эмас, балки одамлар ҳаётда юз бераётган ўзгаришлардир.

Охир-оқибат барча муҳокамалар ягона хулосага олиб келади: бугунги шароитда ҳар бир рақам учун асосий вазифа тизимли ишлаш, шахсий масъулиятни тўлиқ ҳис қилиш ва ҳар бир қарорни аниқ натижа билан ўлчайди. Ана шундангина иқтисодий ўсиш барқарор, самарали ва жамият учун реал мазмун касб этади.

Сардор ТОЛИБОВЕВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири



Таҳлил

Бугун дунё иқтисодий жараёнлар кескин тезлашган, ўзаро боғлиқлик мисли кўрилмаган даражада кучайган янги босқичга қадам қўйди. Капитал оқими бир ҳудуддан бошқасига тобора тез кўчмоқда, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш моделлари тубдан янгиланмоқда.

БАРҚАРОР ЎСИШ ДАН СИФАТЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯГА

Сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган беқарорликлар ушбу мувозанат қанчалик мураккаб эканини яққол намоён этади. Айрим ҳудудларда инфляция босими кучайиб бораётган бўлса, бошқа жойларда энергия ресурслари ҳамда логистика занжирларидаги узиллишлар иқтисодий жараёнларнинг изчил ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Иқтисодий сиёсат мазмуни ҳам тобора янги тус олмақда. Илгари асосий эътибор ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришга қаратилган бўлса, бугун иқтисодий қарорлар узоқ мuddатли барқарорлик, тизимли мувозанатни таъминлашга йўналтирилган. Зеро, замонавий иқтисодиётда ўсишнинг ўзига етарли мезон сифатида қаралади — унинг сифати ва давомийлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Айнан шундай мураккаб глобал шароитда Ўзбекистон ҳам ўз тараққиёт моделини изчил шакллантириш бормоқда. Мамлакатдаги иқтисодий ислохотлар тизимли ёндашувга таяниб, иқтисодиётни алоҳида соҳалар йиғиндиси сифатида эмас, балки ўзаро боғланган яхлит механизм сифатида ривожлантиришга хизмат қилаётди.

Шу йил 24 апрель куни давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилиши мамлакат иқтисодиётидаги ҳозирги ҳолат ва устувор йўналишларни аниқ белгилаб берди. Унда жорий йил биринчи чораги якунилари ҳар томонлама таҳлил қилинди. Худудлар ва тармоқлар кесимидаги кўрсаткичлар ўзаро боғлиқ ҳолда кўриб чиқилди, йил якунигача қилиниши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Расмий маълумотларга кўра, мамлакат иқтисодиёти биринчи чоракда 8,7 фоиз ўсган. Мазкур кўрсаткич иқтисодий фаоллик сезиларли даражада ошганини аниқлатади. Бироқ бу рақамни фақат статистика сифатида эмас, балки кундалик ҳаёт билан боғлаб тушуниш мумкин. Бу ўсиш, аввало, бозордаги ҳаракатда сезилади. Тадбиркорнинг савдоси яхшиланса, демак, аҳолининг харид қобилияти ортайтирилади. Ишлаб чиқаришдаги жонланиш эса корхоналарда фаоллик кучайганини ва маҳсулот ҳажми кўпайганини кўрсатади. Бу ҳолат минглаб инсонларнинг доимий иш билан таъминланишига замин яратяди.

Саноат соҳасидаги 8 фоизли ўсиш иқтисодиётнинг асосий "ҳаракат двигатели" ҳисобланган ишлаб чиқариш кенгайганини аниқлатади. Бу фақат завод ва корхоналар фаолияти билан бирга ишчиларнинг барқарор даромади, оилаларнинг иқтисодий ҳолати яхшиланиши дегани ҳамдир.

Хизматлар соҳасида кузатилган 16,1 фоизли ўсиш эса иқтисодиётда янги йўналишлар тез ривожланиётганини кўрсатади. Бугун такси хизмати, курьерлик, ахборот технологиялари ёки онлайн савдо билан шугулланувчилар ҳам иқтисодий фаол иштирокчиларга айланган. Бу, айниқса, ёшлар учун янги имкониятлар кенгайганидан далolat. Илгари иш топа олмаган ёшнинг ҳозир даромад топиши ёки кичик дўкон очган тадбиркорнинг мижозлари кўпайиши — буларнинг барчаси иқтисодиётдаги ўсишнинг амалий натижасидир. Бу каби ўзгаришлар рақамларда тўлиқ акс этмаслиги мумкин, лекин айнан шу ҳолатлар иқтисодиётнинг ҳаракатини белгилайди.

Инфляция ва муҳит

Мутахассисларнинг таъкидлашича, иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан нархлар даражаси қандай ўзгараётгани, яъни инфляция ҳолати билан chambarchас боғлиқ. Инфляцияни фақат нархлар кўтарилиши сифатида эмас, балки бозордаги умумий ишонч, кутималар ва истеъмол хулқини шакллантирадиган омил деб ҳам тушуниш мумкин.



Жорий даврда инфляциянинг 7,1 фоизгача пасайиши иқтисодиётда вазият нисбатан барқарорлашганга кўрсатади. Инфляция таъсири ҳар бир инсоннинг кундалик ҳаётида сезилади. Даромад ва нархлар ўртасида мувозанат бузилса, одам ўз меҳнатининг қиймати пайсаяндек ҳис қилади.

Аксинча, нархлар барқарор бўлса, меҳнат натижаси реал ҳаётда акс этади ва инсон ўз даромадини аниқ сезади. Бу ҳолат жамиятда меҳнатга ишончни мустақамлашди.

Бизнес нуқтаи назаридан қараганда, барқарор нархлар узоқ мuddатли қарорлар қабул қилиниши осонлаштиради. Нархлар тез ўзгариб турган муҳитда тадбиркорлар кўпроқ эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилади, сармоя киритишни чеклайди. Барқарор муҳитда эса янги лойиҳалар яратилиши, ишлаб чиқаришни кенгайтириши ва иш ўринлари очилиши мумкин.

Оддий мисолларда ҳам бу яққол кўринади. Агар бозорда нархлар тез-тез ўзгариб турса, одамлар ҳатто кундалик эҳтиёж харидларини ҳам режасиз амалга оширади. Лекин нархлар нисбатан барқарор бўлса, оила бюджетини аниқроқ режалаштиради, харид маданияти ҳам мувозанатга тушади. Бу эса бугун иқтисодий жараёнга таъсир қиладиган кичик, лекин муҳим омил.

Таъкидчилар фикрича, инфляциянинг пасайиши фақат иқтисодий кўрсаткич эмас, жамият қайфиятига таъсир этувчи омил ҳамдир. Чунки ишонч муҳити кучайганда одамлар фаолроқ ҳаракат қилади: янги иш бошлайди, сармоя киритади, ўқиниш ва ривожланишга интилади. Бу эса иқтисодиётнинг табиий равишда жонланишига олиб келади.

Шу маънода, инфляция ва иқтисодий муҳит ўртасидаги боғлиқликни фақат рақамлар эмас, ҳаётдаги ўзгаришлар орқали тушуниш тўғрироқ. Чунки иқтисодий сиёсатнинг ҳақиқий самараси статистикада эмас, одамларнинг кундалик қарорлари ва уларнинг келажакка ишончида кўринади.



Жорий даврда 13,7 миллиард доллар миқдорда хорижий инвестиция кириб келгани Ўзбекистон бозорига ташқи қизиқиш сезиларли даражада ошганини кўрсатади. Мутахассислар фикрича, бу рақам фақат молиявий оқим эмас, балки ислохотлар самарасига берилган ишонч белгиси.

Қишлоқда бир кун УЛАРГА БЕКОРЧИЛИК БЕГОНА

Қашқадарёда бир вақтда тўрт фаслни кузатиш имконияти бор дейишади. Бу қанчалик ҳақиқатга яқинлигини воҳанинг сўлим табиати, осмонўпар тоғлария бепеён чўлларини кезган кишилар яхши билади. Биргина Шаҳрисабз туманидаги Ҳисор тоғларига кўзи тушган одам буни англаши табиий. Жумладан, осмонўпар қоялар доим қор билан қопланган бўлса, унинг эстагидаги қишлоқлар табиатида яшиллик ҳукм сураётган бўлади.

Одамлари меҳнатқаш ва самимий. Улар кўп гапирмадан кўра ишлашни маъқул кўради. Бирор кишига савол бериб қолсангиз ҳам жавоби қисқа бўлади. Одамлар ҳар бир кунни режали ўтказишга кўниккан. Ана шундай худудлардан бири Шаҳрисабз туманидаги тоғ эстагида жойлашган Қоратўт қишлоғи. Бу ер табиати гўзал бўлиши билан бирга аҳоли турмушида меҳнат туфайли ўзгариш ва янгиланишга интилиш ҳам кўзга ташланади.

Қишлоқ кўчалари озода, дарактлари мўл, ҳар бир турар жой ўзига хос ва шинам қирилгани эътиборини тортади. Ариқдан шарқираб оқаётган сувнинг экинларга оқиниши кетмон кўтарган кекса дехқон назорат қилади. Дарё тўлиб оқаётган бўлса-да, маҳаллий аҳоли сувни беҳуда исроф этмаслиққа интилади. Қишлоқ одамларининг таъкидлашича, ариққа сув чиқариб келиш ҳам осон эмас. Тонхоздарёдан бошланган ариқ қишлоқ оралиғи анча. Баҳор бошланиши билан одамлар ҳашар уюштириб, ариқ тозалайди. Дарё банд қилиниб, сув бошқарилади. Кейин навбати билан томорқалар сугорилиди.



Ҳисор маҳалласида ҳоким ёрдамчиси сифатида фаолият юритаётган Фаррух Пулатов унинг режалари билан танишди. Керакли йўл-йўриқлар берди. Бу Умиднинг ҳаётида янги босқични бошлаб берди.

— Эртага нима рўй беришини сезмас экан киши. Шунчалик бўлиши ҳаёлимга ҳам келмагани. Шундан сўнг яшайдан мақсадим қолмади ҳисоб, тушкунликка тушиб қолгандим. Орадан вақт ўтиб, Президентимиз афв эгач, мuddатидан олдин озод этилдим, — дейди Умид Арслонов. — Озодликка чиққанымдан сўнг ҳаётимни қайта йўлга қўйиш осон кечмади. Қийинчиликлар кўп

бўлди. Шунда ҳоким ёрдамчиси муаммоларимни тинглаб, амалий ёрдам берди. Маслаҳатлар асосида балиқчиликни бошлашга қарор қилдим. Шу мақсадда 10 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бу йўналишда ишлаётган малакали кишилар билан суҳбатлашдим, тажрибасини ўргана бошладим...

Шу тариқа Умид фаолиятини балиқчиликдан бошлади. Ҳовуз тайёрлаб, зарур жиҳозлар ўрнаттирди. 1000 дон хонбалиқ чавогани параварилашга киришди.

— Тўғри, аввалга ўзига яраша қийинчиликлар бўлди, айрим йўқотишларга ҳам дуч келдик. Аммо мутахассислар кўмаги билан ишимизни изга солдик. Энди бу борада тажрибани янада бойитишга ҳаракат қиламан. Келгусида фаолиятимни кенгайтиришни ният бор. Бу борада ҳам маҳалла фаоллари доимо кўмак беришга тайёр эканини айтиб, далда бериб келади, — дейди йигит.

Умиднинг ишга муносабатини кўриб, қўзлаган режаси сари дадил бораётганини аниқлаш қийин эмас. Бундан ҳам муҳими, унинг ишга қизиқиши, одамларга ишончи ортиб, орзу-умидлари тикланипти.

Маълумотга кўра, ҳудудда 4500 дан ортиқ киши истиқомат қилади. Ҳисор маҳалласида аҳолини банд қилиш ва даромад манбаларини

ни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Аксарият ўзини ўзи иш билан таъминлаб, мўмай даромад топишти.

— Маҳалламизнинг асосий драйвер йўналиши чорвачилик ва балиқчилик. Шу билан бирга, кўзқорин еттиштириш устида ишлаб, — дейди ҳоким ёрдамчиси Фаррух Пулатов. — Ушбу йўналишлар бўйича йил бошидан буён 300 миллион сўмдан ортиқ имтиёзли кредит ажратилди. Энг муҳими, улар учун алоҳида бизнес-режа ишлаб чиқилган. Айтилик, кимдир чорвачиликни, яна кимдир балиқчиликни маъқул кўриши мумкин. Ҳозир кўзқорин еттиштиришга ҳам қизиқиш билдирганлар оз эмас. Маҳаллада уларни қўллаб-қувватлаш тизими самарали ишлаётди.

Ҳисор тоғ тизмалари бағрида жойлашган, сув ва ҳовиси мусаллоқ қишлоқлар манзараси бу ерда туриш учун ҳам жозибадор манзилга айлантириш имконини берган. Баҳор ва ёз ойларидан атрофдаги қишлоқларга келиб, дам олувчилар сафи йил сайин ортиб борапти. Бу эса аҳоли бандлигини таъминлаб, сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга замин яратмоқда.

Қишлоқда ҳаёт қайнади. Орта қайтар эканмиз, йўллар яхшиланиб, ушбу манзил ҳам фаровонлашганга амин бўлдик. Муҳими, одамлар муаммолар билан эмас, бунёдкорлик режалари билан яшамоқда.

Акбар РАҲМОНОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Медиа ҳафталик

БИЛИМ, АМАЛИЁТ ВА НАТИЖА УЙҒУНЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази ташаббуси билан мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган медиа ҳафталик тадбирлари 27 апрель — 1 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди.



Ёшлар ишлари агентлиги, Журналистлар уюшмаси ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган навбатдаги ҳафталик ҳам муваффақиятли якунланди. Кенг қамровли дастур медиа соҳаси вакиллари, ахборот хизматлари ходимлари, блогерлар ҳамда ёш контент яратувчилари бир майдонга жамлаб, уларнинг касбий салоҳиятини оширишга хизмат қилди.

Хафталикка умумий ҳисобда 700 нафарга яқин иштирокчи жалб этилди. Тадбирларда малакали экспертлар иштирок этиб, ўз тажрибаси билан ўртоқлашди.

Медиа ҳафталик доирасида аудитория билан медиа хавфсизлик, фактчекнинг, стратегик коммуникация, сунъий интеллект имкониятлари, SMM ва алгоритмлар, визуал сторителлинг, ахборот хизматлари самардорлиги, қонунчилик ва касб этикаси, антикризис коммуникация каби долзарб мавзуларда бугунги ҳолат муҳокама қилинди. Шунингдек, келгусида соҳани такомиллаштиришга қаратилган амалий механизмлар ва ёндашувлар ишлаб чиқилди.



Айниқса, дастурнинг амалий йўналтирилгани — тренинглар, маҳорат дарслари, кейс таҳлиллар ва медиафорум орқали иштирокчиларнинг билим ва кўникмаларини реал жараёнларда синов қўриши имконияти яратилгани алоҳида аҳамият касб этди. Ҳафталик якунида иштирокчиларга сертификатлар топширилиб, эришилган натижалар сарҳисоб қилинди. Иштирокчилар машғулотларда “Ўзбекистон босма медиасидаги контент: амалиёт, муаммо ва ечим”, “Президент фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритишнинг асосий йўналишлари”, “Маҳаллий ва халқаро оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий



тармоқлардаги амалиётдан кейинлар таҳлили” каби мавзулар бўйича фикр алмашди. Машғулотларнинг ўзига хослиги шундаки, у қуруқ маърузалардан иборат бўлмади. Самарқанддаги ушбу ҳафталик давомида малакали экспертлар реал кейслар ёрдамида ёш медиа вакиллари ва талабаларнинг соҳадаги айрим тўсиқларни қандай енгиб ўтиш ва замонавий трендларни аудитория талабига мослаштириш бўйича маҳорат дарслари ўтказди. Умуман олганда, республикамиз бўйлаб ташкил этилаётган бундай медиа ҳафталиклар орқали Ўзбекистон медиа маконини сифат жиҳатидан янги bosқичга олиб чиқиш мақсад қилинган. Қолаверса, ҳафталик ҳозирдаёқ қўтилган натижаларни бермоқда — соҳада янги ёндашувлар шаклланимуда, медиа ва жамоатчилик ўртасидаги мулоқот янада жонланмоқда. Келаси ҳафта навбатдаги манзил — Навоий вилояти. Ушбу ҳудудда 4-8 май кунлари медиа соҳаси вакиллари учун амалий ва мазмунли дастур ташкил этиш режалаштирилган.

Муножат МҶМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



Бугун қишлоқ хўжалигига ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор қаратиш зарур. Нега? Чунки иқлим ўзгариши, сув танқислиги, ер деградацияси каби таҳдидлар аграр тизимни мутлақо янги ёндашувлар асосида ислоҳ қилиш, шу жумладан, соҳа учун юқори малакали ва халқаро майдонда рақобатбардош кадрлар тайёрлашни тақозо этмоқда.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР МУТАХАССИСЛАРДАН ЮҚОРИ МАЛАКА ТАЛАБ ЭТАДИ


Ўзбекистон иқтисодиётининг 20 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келади. 3,5 миллион юрtdошимиз меҳнат қилаётган соҳада йилига 467 триллион сўмлик маҳсулот яратилади. Мева-сабзавотларимиз эса ички эҳтиёжни қоплаш билан бирга 83 давлатга экспорт қилинади. Сўнгги ўн йилда соҳада давлат бошқарувини такомиллаштириш, бозор механизмлари, илгор технологияларни жорий этиш, таълим тизимини модернизациялаш, маҳсулот етиштирувчи, қайта ишловчи ва сотувчи субъектлар ўртасидаги интеграцияни қайтариш, қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Президентимизнинг жорий йил 11 апрелдаги “Тошкент давлат аграр университети фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эса аграр таълим тизимини тубдан яхшилашга қаратилган навбатдаги муҳим қадам бўлди. Ислохотлар жараёнида мазкур университет фаолиятини трансформация қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Бойси, салкам юз йиллик тарихга эга олий таълим муассасаси нанкин юртимиз, балки Марказий Осиё учун малакали кадрлар тайёрлайдиган энг ийрик даргоҳлардан биридир. Қарорда университетнинг инновациялар, халқаро стандартлар ва аниқ натижага йўналтирилган мутлақо янги моделини яратиш бўйича қатор муҳим вазифалар кўзда тутилган. Жумладан, 2030 йилга қадар университетни ривожлантиришнинг асосий мақсади кўрсаткичларидан бири сифатида халқаро рейтинг ташкилотларининг етакчи 500 талик олий таълим ташкилотлари рўйхатига киритишга эришиш белгиланган. Бунинг замирида таълим муассасасининг халқаро майдондаги нуфузини ошириш вазифаси билан бирга қатор комплекс чора-тадбирлар мувапфақ бўлиши, қолаверса, ҳужжатда белгиланганидек, ушбу мақсадга эришиш доирасида халқаро ҳамкорликда амалга ошириладиган илмий тадқиқотлар сонини 3 баробар, халқаро аккредитациядан ўтган таълим дастурлари сонини 4 баробар, шунингдек, қўша таълим дастурларини 20 тага, ўқув-илмий лабораториялар сонини 20 фойга ошириш кўзда тутилган. Шу тариқа ўқув режалари, таълим усуллари ва билимларни баҳолаш тизимини энг илгор жазо амалиётлари билан уйғуллаштирилади.

2026/2027 ўқув йилида университетнинг Экофизиологик тадқиқотлар илмий лабораториясини ISO/IEC 17025:2017 халқаро стандарти бўйича аккредитациядан ўтказиш режалаштирилган. Бундай чора-тадбирлар натижасида янги, долзарб йўналишлардаги



Нуқтаи назар



Сайёра ХОЛИМРЗАЕВА, Тошкент давлат аграр университети кафедра мудури, профессор

тадқиқотлар кўлами кенгайди, университет эса глобал илмий мулоқотнинг тўлақонли иштирокчисига айланади.


Президентимиз ўтган йил 17 ноябрь куни пахтачиликда самарадорликни илгор тажриба ва технологиялар асосида ошириш, қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича тақлифлар тақдироти билан танишиш чоғида агрономларни тайёрлайдиган олийгоҳлар битирувчилари учун дуал таълим механизми жорий этилишини маълум қилган эди. Бу масалага қарорда ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва соҳаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, университетнинг юқори курслари ўқишни назарий таълимдан ажралган ҳолда 4 ой муддатга узлуксиз дуал таълим асосида ташкил этиш, бунинг учун қатор йирик корхоналар билан ҳамкорлик қилиш кўзда тутилмоқда.

Қарорга кўра, университет таркибиде янги тизимла — Агротехнологиялар департаменти ташкил этилади. Унинг зиммасига фермер ва деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгаларига консалтинг хизматлар кўрсатиш, замонавий кўчма лабораториялар очиш, рақамли агрохизматлар платформасини шакллантириш каби қатор вазифалар юклатилган.

Яна бир муҳим янгилик — университет ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Агротехнологиялар мактаби ташкил этилади. Амалийта йўналтирилган янги мактаб бюджетдан юрidik шахс мақомига эга бўлмаган Агротехнологиялар мактаби ташкил этилади. Амалийта йўналтирилган янги мактаб бюджетдан юрidik шахс мақомига эга бўлмаган Агротехнологиялар мактаби ташкил этилади. Амалийта йўналтирилган янги мактаб бюджетдан юрidik шахс мақомига эга бўлмаган Агротехнологиялар мактаби ташкил этилади.

Халқаро рейтингларга кириш, рақамлаштириш ва илмий фаолиятни ривожлантириш каби мақсадлар ортда бир фундаментал ўзгариш ётибди. Гап Тошкент давлат аграр университетидаги бошқаруш ва институционал моделини тубдан ўзгартириш ҳақида келяпти. Белгиланган чора-тадбирлардан кўриниб турибдики, ҳужжат асосида университетни мустакил, масъулияти ва натижадорликка йўналтирилган барқарор муассасага айлантириш мақсад қилинган. Қарорда аграр таълим тизимининг барча йўналишларини трансформация қилишни назарда тутувчи туб ислохотлар акс этган. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, қишлоқ хўжалигининг тақдирини ва келажагини бутун мамлакатимизнинг тақдирини ва келажагини барқарор ва фаровон келажақни барпо этиш учун эса университетнинг ҳар бир ходими ислохотларга қамарбаста бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб ишлаши лозим.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: МАҲАЛЛА — АНЪАНАЛАР — ИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР



Кайд этилганидек, бугун маҳаллалардаги ҳар бир ислохот, ҳар бир ободончилик ва инфратузилма лойиҳаси одамларнинг кайфияти, давлат ва келажакка ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

2026 йил юртимизда Маҳалла ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили деб эълон қилинганда ҳам катта маъно-мазмун мувапфақ бўлиб ўтди.

Танлов Президентимизнинг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишларини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориде белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

2026 йил февралда старт олган ушбу танловда юртимизнинг барча ҳудудларидан 21 ёшдан катта ижодкорлар фаол иштирок этиб, маҳалла институтининг жамиятдаги ўрни, миллий қадриятлар, аънава ва урф-одатлар, инсонийлик, меҳр-оқибат каби мавзуларни ўз асарларида юксак бадиий савияда акс эттирди. Худудий босқичлар якунига кўра, энг яхши асарлар саралаб олинди, якуний кўргазмага қўйилди.

Кўрик-танлов юртимизнинг барча ҳудудларини қамраб олди. Жумладан, 8831 та маҳалладан қарийб 9,5 минг иштирокчи 10 мингдан зиёд рангтавир асари билан иштирок этди. Ҳар бир туман ва шаҳар босқичида сараланган голиблар орасидан 1040 та энг яхши асар республика босқичига йўл олди. Уларнинг 201 таси эса сараланиб, махсус каталогга киритилди. Бу рақамлар нафақат кўрик-танловнинг кўлами, балки юртимизда тасвирий санъатта қизиқиш ва ижодий муҳитнинг қай даражада ривожланганини ҳам яққол намойён этади.

Тадбир доирасида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Бадиий академия ва Ёшлар

ишлари агентлигининг ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрида жорий йилнинг 1-5 май кунлари бўлиб ўтадиган рангтавир асарлари кўргазмасининг тантанали очилиш маросими ҳам ўтказилди.

Кўргазманинг очилиш маросими аввалида махсус тайёрланган видеоролик намойиш этилди. Тадбирда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қасимов Куронбоев, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Акмал Нур, танкидлар расм Турсунали Қўзиёв, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жонатан Хенник, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси раҳбари Ю Жун ҳамда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Сабине Махл сўзга чиқиб, мазкур танловнинг аҳамияти ва унда илгари сурилган гоилар ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди.

Кўрик-танлов якуний босқичида биринчи ўринни Фарғона туманидан Отабек Шокиров “Оқибат” асари, иккинчи ўринни Термиз шаҳридан Турсункул Шоймардонов “Опанга тўй келди” асари, учинчи ўринни эса “Хонадон фойзи” — кексалар дуоси билан кўкарар олам” асари билан Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманидан Нуржамал Дүйсенбаева кўлга киритди.

Шунингдек, Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳридан Эркин Йўлдошев “Энг яхши оригинал го”и, Навоий вилояти Ғозгон шаҳридан Ашурой Адиева “Энг яхши график расм” ва Тошкент шаҳри Янгиҳаёт туманидан Зухриддин Қўёмов “Энг яхши рангтавирчи расм” номинациялари бўйича голиб деб топилди. Танлов голиб ва совриндорларни қимматбахо совғалар ҳамда диплом билан тақдирланди. Мазкур танлов ва кўргазма маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ролини юксалтириш, миллий қадриятларни тарғиб этиш, ёшлар онгиде ватанпарварлик, инсонийлик ва маънавий етуқлик туғилуларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан алоҳида аҳамият касб этди.

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бирлашсак — катта кучмиз

ОММАВИЙ СПОРТ — СОҒЛОМ ЖАМИЯТ ГАРОВИ



Президентимиз раислигида жисмоний тарбия ва спорт соҳасини янги bosқичга олиб чиқиш, аҳолини оммавий спортга кенг жалб этиш, селекция ва тайёргарлик тизимини такомиллаштириш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишидан сўнг Сурхондарё вилоятидаги маъсум бошқармалар ҳудудда “йўл харитаси”ни ишлаб чиқди. Туманларда спорт билан мунтазам шуғулланишда марралар катта олинди.



Спортнинг 23 тури билан мунтазам шуғулланиб келади. Шунингдек, туман спортчилари 2024-2025 йилларда республика, Осиё ва жаҳон миқёсида ўтказилган мусобақаларда 28 та совринли ўринни қўлга киритди. 32 тури аҳолининг оммавий спортга қарови Ҳозир аҳолининг оммавий спортга қарови 32 фойзга етказилган, 20 мингга яқин йиғич-қиз спорт билан шуғулланмоқда. “Беш ташаббус” олимпиадасига қаров охириги 5 йилда 65 фоздан 95 фозга етди. Шуғулланиладиган спортчиларнинг сони 5 тага кўпайиб, қарови ҳам сезиларли даражада кенгайди.

— Энди селекция тизимини такомиллаштириш доирасида оммавий мусобақаларда ажралиб турган иқтидорли ёшлар саралаб олинди, спорт мактабларига

йўналтирилади, — дейди мураббий Бахтигул Менглиева. — Натижада туманда ҳам спорт билан мунтазам шуғулланувчилар сони янада ошади. Шунингдек, маҳаллаларда тренер-селекционерлар фаолияти йўлга қўйилиб, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва уларнинг иқтидорини ривожлантириш тизими янада мустаҳкамланади.

Олимпиада ва паралимпиада харакатини қўллаб-қувватлаш ҳам устувор вазифалардан. Бу йўналишда янги иқтидорли спортчиларни тайёрлаш, вилот ва халқаро миқёсдаги йиғинлар ҳамда мусобақаларга жалб этиш режалаштирилган. Бунинг учун тажрибали мураббийлар жалб қилиниб, туман спорт жамоаларининг салоҳияти оширилади.

Ҳар шанба маҳаллаларда жисмоний тарбия ва спорт билан ҳамнафаслик куни сифатида белгиланган ҳам аҳолининг жисмоний машғуллотлариде иштирокчи янада ошириш имконини бермоқда.

Бандихон туманида 7 ёшдан 70 ёшгача бўлганлар ўртасида соғлом турмуш, саломатлик ва жисмоний баркамоллик учун спорт билан шуғулланиш аънавана айланиб улгурган. Ҳозир тумандан “Беш ташаббус” олимпиадаси спорт мусобақаларида иштирок этиш истагидаги 19 минг 599 ўғил-қиз электрон рўйхатдан ўтган.

Узун туманида ҳам жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш, аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, ўз навбатида, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Тумандаги спорт мактабиде 1500 дан зиёд ёш спортнинг 23 тури бўйича мунтазам шуғулланмоқда. Шунингдек, туман спортчилари республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда 120 га яқин, халқаро мусобақаларда эса 20 га яқин совринли ўринни эгаллаган. Аҳолини оммавий спортга қамраб олиш даражаси 32 фозга етказилган, 61 мингдан ортик ёш спорт билан шуғулланмоқда.

Мазкур туманда ҳам “Беш ташаббус” олимпиадасига қаров сезиларли даражада ошган. Спорт мактаби тарбияланувчилари яхши натижалар кўрсатмоқда. 2025 йилда 146 спортчи республика ва халқаро мусобақаларда совриндор, 19 нафари эса Осиё ва жаҳон чемпионати голиб бўлган. 2026 йилнинг биринчи чорағиде 20 спортчи республика мусобақаларида голибликни қўлга киритди.

Сарвар ТҶРАЕВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Иккинчи жаҳон уруши тугаганига саксон йилдан ошган бўлса-да, унинг башар рухиятидаги жароҳатлари, дил яралари ханузгача битгани йўқ. Чимилдиқ кўрмаган йигитлар, етим қолган болалар, фарзанди, турмуш ўртоғи ва ака-укалари йўлига интизор кўз тикканларнинг аламли ҳаёт йўли юракларни ўргайди. Матонат, сабр-тоқат, мардлик ва жасорат тимсоли бўлган мушфиқ оналар ҳамда оталарнинг матонати, сабр-бардошига таъзим қиламиз. Оловли йилларнинг тирик афсоналари босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақидаги ҳикояларни тинглаб, фаровонлик ва тинчлик-тотувлик ҳамма нарсадан устун эканини англаб етамиз, дориламон кунлар учун шукрона келтирамиз.



ОРТИДАН ЕТТИ БОР ҚОРАХАТ КЕЛГАН АСКАР

сабаб бўлган. Усмонжон ота Қўқон темир йўл тармоғида ишлади, оила қурди. Эллик етти йил меҳнат қилиб, нафақага чиқди. Турмуш ўртоғи билан 6 фарзандни тарбиялаб, элга қўшди. Бугун эса унлаб набира, чевара ва эваралар даврасида умргузаронлик қилапти.

— Бугунгидек фаровон, эмин-эркин замон ҳеч қачон бўлмаган, — дейди отахон. — Бир бурда нонга зор бўлиб, жон берганларни кўрганмиз. Шукрки, дастурхонимиз тўкин, осмонимиз тинч. Барча шароит етарли, ҳамма нарса бисёр, бирор манзилга бораман десангиз, пиёда юрмайсиз. Кексаларни эъзозлаш, иззат-хурмат кўрсатиш, қадрлаш ва хотирлаш йўлида қилинаётган ишлар умримизга умр кўшмоқда. Давлатимизга раҳмат.



— Уруш бошланганда 21 ёшда эдим, — дея хотирлайди оқсоқол. — Омоch билан ер ҳайдаётган эдим. Колхоздан вакил келиб, раис сўроқлаётгани ва идорага боришим кераклигини айтди. Уйга ҳам кирмай, айтилган жойга етиб борсам, қўлимга чақирув қоғози берилди. Ушанда отам 84, онам эса 75 ёшда эди. Йигирма кун деганда фронт чизигига етиб бордик. Москва атрофида жангда қандай ҳаракат қилиш, ҳимояланиш, ҳужумга ўтиш, траншеялар қазиви ва қуроллардан фойдаланиш билан боғлиқ машқларни бажардик.



Урушнинг тирик гувоҳи бўлган Усмонжон ота ҳали бардам ва сўзга чечан. У мактабдан келган чеваралари Рамзон ҳамда Шукружонни илғаб, ёнига чорлади. “Ўқишларинг аъломи?” дея болаларнинг бошини силаб, пешонасидан ўпди.

— Отам билан ҳақли равишда фахрланамиз. Унинг ҳаёт йўли биз учун ибрат, — дейди Мاستураҳон Раҳимова. — Отамдан оилапарварлик, ҳалол меҳнат ва шукроналик хислатларини ўргандик. У узоқ йиллар асалари боққан. Ушбу ҳунар бутун ҳам оиламиз қорига ярамоқда. Ҳозир 20 дан ортиқ асалари оиласи бор. Бу борада билмаганларимизни отамдан сўраб ўрганиб, тажриба оширяймиз.

Хотира ва қадрлаш куни арафасида бир асрлик умр довонидан ошган нурунийни йўқлаш, у билан ҳамсуҳбат бўлиш истагидагиларнинг қадами узилгани йўқ. Усмонжон ота каби нурунийларнинг шонли умр йўли ва фаолияти халқимизнинг бебаҳо маънавий бойлигига айлиб, ёш авлоднинг ватанпарвар инсонлар этиб камол топиришда жасорат ҳамда матонат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда. Оловли йиллар афсонаси бўлган Усмонжон ота уруш йилларининг сурунли воқеа-ҳодисалари билан боғлиқ маҳзун хотираларини ҳақида сўзлаб беради, меҳмонларни алқаб, дуо қилишдан чарчамайди.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири Шерзод ҚОРАБОЕВ олган сурат.

Ўзбекистон тумани “Катта қайнар” маҳалла фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Усмонжон Раҳимовнинг машаққатли ва шарафли ҳаёт йўли кўплар учун ибратли. Соё соҳилларига туташган хонадон баҳорга монанд яшилликка бурканган. Мевали боғлар қўйнида асаларилар гулдан гулга учиб ўйнайди. Кўзимиз ҳовли сатҳидаги сўрида

ўтирган, дўппи кийган, кичик жуссали, оқ юзли ва оппоқ соқолли нурунийга тушиди. Аср билан юзлашган отахон анча бардам, кўзи нузли. У билан кучоқ очиб сўрашдик. Кулоғи бир оз огирлашгани учун баландроқ гапиришимизни тайинлади. Отахон урушнинг дастлабки йилларидаёқ фронтга чақирилгандан. — Уруш бошланганда 21 ёшда эдим, — дея хотирлайди оқсоқол. — Омоch билан ер ҳайдаётган эдим. Колхоздан вакил келиб,

раис сўроқлаётгани ва идорага боришим кераклигини айтди. Уйга ҳам кирмай, айтилган жойга етиб борсам, қўлимга чақирув қоғози берилди. Ушанда отам 84, онам эса 75 ёшда эди. Йигирма кун деганда фронт чизигига етиб бордик. Москва атрофида жангда қандай ҳаракат қилиш, ҳимояланиш, ҳужумга ўтиш, траншеялар қазиви ва қуроллардан фойдаланиш билан боғлиқ машқларни бажардик. “Орта қайтиш йўқ, қайтсанг отилсан”, дейиларди. Харьков остонасида қўлимизга қурол билан бирга 30 донна ўқ ва граната берилди. Ўша оғир давлар ҳамон ёдимда. Душман

самолётлари бомба ёғдирди, аτροφ култепага айлиниб кетди. Санокли аскар тирик қолганди ўшанда... Сўзларкан, отахоннинг кўзи намланади, дастурмол билан миждасига инган ёшларни артади ва қуруқлашган томоғини намлаш учун чой ҳўплайди. — Курск вилояти учун жангда фашистнинг 7 та танкини йўқ қилганман, — дея сўзини давом эттиради у. — Ёнимда снаряд портлади. Ушанда мени ҳалок бўлди деб ўйлаб, уйимга қоракат жўнатилган экан. Бир кундан сўнг тупроқ уюми остидан беҳуш ҳолда қовлаб

олишган. Қаттиқ яраланиб, госпиталда даволанганимдан сўнг яна жангларда иштирок этиб, Германияга қадар етиб борганман. Уруш йиллари уйимизга етти марта қоракат келган экан. Ота-онам бу аламга чидай олмаган... Урушнинг олов йиллари Усмонжон ота учун бирдан яқун топмади. У рус-япон фронтда кечган оғир жангларда ҳам иштирок этиб, мардлик ва матонат кўрсатди. 1948 йили она қишлоғига қайтиб, жамоа хўжалигида ишлади. Урушдан кейинги йиллари ҳам осон кечгани йўқ. Оғир жисмоний меҳнат, очлик ва юпунлик кўплаб қийинчиликларга

Ибратли умр

Ёшим тўқсонда. 1955 йилдан буён Тошкент давлат иқтисодий университетда ишлаб келяпман. Ўтган вақт мобайнида кўплаб воқеа ва ҳодисаларнинг тирик гувоҳи ҳамда иштирокчиси бўлдим. Йиллар давомида университет номи ва мақоми бир неча марта ўзгарди. Лекин у доим энг илғор олий ўқув юртлири сафида қолди.

АДОЛАТЛИ, ТАЛАБЧАН, МЕҲРИБОН ВА ҲАЛОЛ



“Неварам шу институтда ўқийди. Унинг ўқиши бўйича маслаҳатли иш чиқиб қолди. Шунинг билан (отахон ўғлининг исмини қисқартириб шундай атарди) телефон орқали ҳал қилиб бергин десам, у “Ректорга бу масалада кўнгирок қила олмайман. Ўзингиз борсангиз, яхшироқ бўлади. Муҳаммадҷон Қориев сизни яхши танийди. Мени бу масалага аралаштирмаганингиз маъқул”, деди, деган эди. Бу воқеани келтиришдан мақсад шуки, ҳар қандай мансабдор домлага телефон орқали бирор масалани айтиб, ҳал қилдиришга ийманарди. Чунки ректорнинг жуда ҳам принципал инсон эканини ҳамма яхши биларди.



Бугун мазкур олий таълим даргоҳида узоқ йиллар раҳбарлик қилган олим — иқтисодий фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Муҳаммадҷон Қориев ҳақидаги хотираларим билан ўртоқлашмоқчиман. У 1906 йили Қўқон шаҳрида дунёга келган. Кейин узоқ йиллар иш ва илм билан шуғулланди, турли вазифаларда меҳнат қилди. Жумладан, 22 йил университетда ректор лавозиминда ишлади. ОТМнинг шон-шухрати, ривож ва равнақи, маъқеи, салоҳияти раҳбарнинг оқиллиги, тadbиркорлиги, инсонпарварлиги, билимдонлиги, жамоани бошқариш қобилиятига

беvosита боғлиқ. Ана шу жиҳатларнинг барчаси Муҳаммадҷон Қориевда мужассам эди. У раҳбарлик қилган даврда олийгоҳда кўп янгилликлар бўлди. ОТМ нафақат мамлакат, балки бутун Марказий Осиё учун иқтисодчи кадрлар тайёрлайдиган йирик илм масканига айланди. Домланинг ташаббуси билан бир қанча янги факультет ва кафедралар очилди. Учта ўқув биноси ва иккита ётоқхона қурилди. Янги мутахассисликлар очилиши талабалар сонининг сезиларли даражада кўпайишига олиб келди. Ўқитувчилар ва талабалар ўртасида ўзаро ҳурмат, инсоний муносабатлар қарор топишига катта эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 6 июндаги фармони билан Тошкент халқ хўжалиги институтига Тошкент давлат иқтисодий университети мақоми берилди. ОТМ 95 йиллик мурақаб, шон-шарафга тўла йўлини босиб ўтди. Унинг бутун фаолияти замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган, келажакни олдиндан кўра билладиган олий малакали иқтисодчи мутахассислар тайёрлаш ҳамда иқтисодий илмин янада юқори чўққиларга кўтаришга қаратилди. Шу ўринда Муҳаммадҷон Қориев ҳаётига оид баъзи воқеа-ҳодисаларни эслаб ўтсам.

1966 йил 26 апрель тонгида Тошкентда рўй берган зилзила шаҳарни ларзага келтирди. Хонадонлардаги ҳамма нарса у ёқдан-бу ёққа бориб келар, ер силкиниши одамни эсанқиратгудек даражада кучли ва ваҳимали эди. Зилзила туфайли домланинг шаҳар марказидаги уйи яшашга яроқсиз ҳолатга келиб қолди. Шу сабабли унга Чилонзор туманидаги Оқтепа маҳалласидан уй қуриш учун ер ажратилди. Муҳаммадҷон ака ўша пайтда катта институт ректори эди. Лекин уйни давлат кредити ҳисобидан қуриб битказди. Кейин бир неча йил кредитни маошидан тўлаб юрди.

1966 йили домла 60 ёшга тўлди. Юбилей тadbири 2 майга белгиланган эди. Ушбу тadbир ўтказилган жой сифатида институтнинг талабалар ошонаси танланди. Шу воқеанинг ўзи ҳам профессорнинг

нечоғлиқ одми, камтар инсон эканидан дарак беради. Тadbир белгиланган вақтда бошланди. Унда ўша пайтдаги олий таълим вазир, академик Тошмуҳаммад Саримсоқов бошчилигидаги вазирлик ходимлари, Наби Раҳимов, Лутфихоним Саримсоқова, Ўзбекистон халқ ҳофизи Муроджон Аҳмедов, ёзуви Собир Абдулла ва бошқа нуфузли меҳмонлар ҳамда институт жамоаси қатнашди. Юбилей ихчам ва эса қоландиган даражада ўтди. Кечада Наби Раҳимов билан домла ўртасида аския пайриви ҳам бўлди. Домланинг сўзга усталиги, зуққолиги, ҳозиржавоблиги кўпчиликини лол қолдирди.

Домла ўзига бириктирилган аспирантлар билан ҳар жума кuni тушдан кейин учрашар ва ҳафта давомида қилинган ишлар ҳақида ҳисобот сўзларди. Сухбатга келмаганлар дашном эшитарди. Бир жума кuni, янглишмасам 1970-йиллар эди, қабулхонасига келсам, одам жуда кўп экан. Қайтиб кетиб, кечқурун домланинг уйига бордим. Дарвоза очиб, Кўнгирокни босдим, ҳеч ким жавоб бермади. Таваккал қилиб, ҳовлига кирдим. Ҳеч ким йўқ. Шундан сўнг эшикни очиб турган хоналардан бирига секин мўраладим. Домла уй кийимида хонанинг ўртасида беланчада ётган болани оватлангирмоқда эди. У мени кўриб, уйга таклиф қилди ва “Сен ректорга маза деб ўйлайсанми? Мана, мен ишдан кейин бола боқиб, унга қараб ўтирибман”, деди. Ана шу ҳолатнинг ўзи ҳам домланинг оилапарвар ва камтарин инсон эканидан

далолат, албатта. Мен болалар аравачасида кўрган ўша қизалоқ, яъни домланинг набираси Шаҳло бутун Г.П.Пеханов номидаги Россия иқтисодий университети доценти. Мен ҳар сафар Шаҳлонни кўрганимда ўша воқеани эсига солиб тураман. Бундан у жуда ҳурсанд бўлади. Бобосидан умрбод қарздорлигини айтди.

Бу дунёда ҳамма нарса — мансаб, бойлик, машурулик ўткнчи эканини барчамиз яхши биламиз, лекин амал қилмаймиз. Зеро, яхшилик ва кимгадир кўрсатилган меҳр ҳеч қачон унутилмайди. Муҳаммадҷон Қориев қабулгига турли масалада маслаҳат сўраб келган кўплаб инсонларни ва илм-фан намояндларини кўрганман. Улар орасида академиклар Яхё Ғуломов, Восил Қобулов, Қузъма Лапкин ва бошқалар бор. Домла имкон қадар маслаҳат беради ва улардан ҳам ўрганар эди. Бир кuni ректорнинг қабулхонаси ёнидан ўтиб кетаётган, навбат кутиб ўтирган отахонга кўзим тушиб қолди. Қарасам, олий таълим вазирини, академик Тошмуҳаммад Саримсоқовнинг отаси Ҳайдарали Саримсоқов экан. Ҳайдарали отанинг ёнига келиб, нега бу ерда навбат кутиб ўтирганини сўрадим.

Кўп йиллик ҳаётимда шунинг англадимки, қаерда шухрат бўлса, у билан ҳасад ҳам ёнма-ён юрар экан. Домла 1971 йили докторлик диссертациясини ёқлаган, аммо ушбу илмий ишининг ҳимоясини тасдиқлаш жараёни Москвадаги Олий аттестация комиссиясида икки йилдан ортиқ муддатга чўзилиб кетган. Кейинчалик билсак, “Докторлик ишини муаллифнинг ўзи ёзмаган”, деган юмалоқ хат юборилган экан. Шу сабабли домла Москвада эксперт комиссиясига чақирилди. Муҳаммадҷон ака комиссия аъзоларининг докторлик диссертацияси юзасидан берган барча саволига тўлақонли жавоб беради. Шундан кейин комиссия диссертацияни бир овоздан тасдиқлайди.

Тошкент давлат иқтисодий университети янги Ўзбекистон шароитида ёшларни креатив ва мустақил фикрлайдиган, инсоният ривожига хисса қўша оладиган, рақобатбардош мутахассислар сифатида тайёрламоқда. Олий ўқув юртининг бу даражага етишида устоз Муҳаммадҷон Қориевнинг катта ҳиссаси бор, албатта.

Турғун ЗИЯЕВ, Тошкент давлат иқтисодий университети фахрий доктори

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРИНОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.